

Нажотга олиб борувчи уч қоида



07:30 / 17.04.2019 3764

Абу Исҳоқ Хаввос айтади: «Абу Абдуллоҳ деган одам Довуд Тоийнинг хизматини қиларди. Довуд унга: «Ўлсам, мени ўзинг ювгин, ҳеч кимга хабар бермагин», деган эди. Абу Абдуллоҳ шундай деди: «У вафот этгач, тушимга кирди. Бир катта туянинг устига тахтиравон қилинган бўлиб, Довуд ўшанинг ичида ўтирар эди. Мен унга: «Эй Довуд, Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам сиз билан бирга қилсин», дедим. У шундай деди: «Уч нарсани ёдингда тут: **қорнинг ярасини очлик билан давола. Дунё хурсандчиликларини охират қайғуси билан тўхтат. Аллоҳнинг муҳаббатини ҳавои нафсингдан устун қўй.** Мана шуларни қилсанг, менга албатта йўлиқасан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан